

Вохидова Меҳри Ҳасановна,Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари
иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчиси, PhD

БИЗНЕС, ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

УДК:330.3

**ВОХИДОВА М.Х. БИЗНЕС, ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВА РАҶАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

Ушбу мақолада Глобал инновацион индекс, мамлакатнинг рақамлашиш даражаси ва "Doing business" халқаро рейтингига мамлакатларнинг позицияси ўртасидаги боғлиқлик ифодаланган.

Таянч иборалар: Глобал инновацион индекс, мамлакатнинг рақамлашиш даражаси, "Doing business", АҚШ, инновациялар, бизнес.

**ВОХИДОВА М.Х. ВЗАИМОСВЯЗЬ БИЗНЕСА, ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ И ЦИФРОВОЙ
ЭКОНОМИКИ**

В статье рассматривается взаимосвязь между Глобальным индексом инноваций, уровнем цифровизации страны и позицией стран в международном рейтинге «Ведение бизнеса».

Ключевые слова: глобальный инновационный индекс, уровень цифровизации страны, «Ведение бизнеса», США, инновации, бизнес.

**VOKHIDOVА M.KH. THE INTERACTION OF BUSINESS, INNOVATIVE DEVELOPMENT AND THE
DIGITAL ECONOMY**

There is discussed in the article the relationship between the Global Innovation Index, the level of digitalization of the country and the position of countries in the international ranking of «Doing Business».

Key words: Global Innovation Index, country digitization rate, "Doing business", USA, innovation, business.

Кириш.

Жаҳон хўжалигидаги қайси бир ривожланган ёки янги индустрисал мамлакатлар иқтисодиётига назар ташламайлик, уларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши инновацион тараққиёт ҳамда бизнеснинг очикошкоралиги, бизнес юритишнинг осонлиги ва ривожи билан бевосита боғлиги кўзга ташланади.

Ўзбекистонда ҳам бу борада самарали чора-тадбирлар олиб борилмоқда. 2020 йил Ўзбекистонда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури” доирасида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, рақамли иқтисодиёт ва инсон капиталига инвестициялар киритишни тезлаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб, стратегик вазифалар қаторига киритилган [1].

Ушбу фаол чора-тадбирларга қарамасдан мамлакатда инновацион ҳамда рақамли иқтисодиётга ўтишни рағбатлантириш ва Ўзбекистоннинг “Глобал инновацион индекс”дан муносаб ўрин эгаллашини таъминлаш (Ўзбекистон ҳозирда ушбу рейтингдан ўрин олмаган) ушбу соҳада юқори кўрсаткичларга эга бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганишни талаб этади. Шу мақсадда Глобал инновацион индекс, мамлакатнинг рақамлашиш даражаси бўйича позицияси, “Doing Business-2019” кўрсаткичлари бўйича юқори позициядаги мамлакатлар ва энг яхши кўрсаткичларни кўрсатган мамлакатлар, жумладан АҚШнинг инновацион ва рақамлашиш тажрибаси ҳозирда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мавзунинг ўрганилган даражаси.

XXI асрда инновацион иқтисодиёт, рақамли технологиялар кўплаб илмий тадқиқотларнинг марказига айланиб бўлган.

Yunfu Xu ва Aiya Li лар [2] томонидан олиб борилган тадқиқотларда инсон капиталининг ривожланиши мамлакатнинг инновационлигига таъсир кўрсатиши айтиб ўтилган. Қай бир мамлакатда малакавий кадрларнинг етишмаслиги мавжуд бўлса, иқтисодий ривожланиш дараҷаси ҳам юқори бўлмаслиги, тадқиқот натижасида аниқланган.

Merve Doğruel Anuşlu, Seniye Ümit Fırat лар томонидан олиб борилган тадқиқотларда [3]

халқаро инновацион индекслар орқали мамлакатлар ўзларининг иқтисодиётини ва бизнеснинг ривожланиш ҳолатини баҳолаш имконига эга бўлишини айтиб ўтилади.

Satish Nambisan, Mike Wright, Maryann Feldman ларнинг тадқиқотлари натижасида [4] рақамли технологиялар, платформалар ва инфратузилманнинг ривожланиши инновациялар ва тадбиркорликнинг бошқа кўриниш касб этишига олиб келганини исботлаб беради.

Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар муаллиф томонидан ўрганилди, аммо ўрганилган тадқиқотларда бизнес, инновацион фаолият ва рақамли иқтисодиётнинг боғлиқлиги ўрганилган тадқиқотлар учрамади.

Тадқиқот методологияси.

Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларни кенг тадқиқ этишда индукция, дедукция ва илмий абстракциялаш сингари усуллардан фойдаланилди.

Глобал инновацион индекс, “Doing business” ва мамлакатнинг рақамлашиш даражасининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишда анализ ва синтез усулидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Глобал инновацион индекс жаҳон хўжалигидаги мамлакатларнинг инновацион ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил ва синтез қилиб борадиган асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ушбу индекс кўрсаткичи қуйидаги позициялар бўйича шакллантирилади:

1. Инновацион фаолиятни олиб бориш учун шарт-шароитнинг етарлилиги:

- институтлар;
- инсон капитали ва тадқиқотлар;
- инфратузилма;
- ички бозорнинг ривожланиши;
- бизнеснинг ривожланганлиги.

2. Инновацияларни амалга ошириш учун олиб борилган амалий тадқиқотлар:

- технологиялар ва билимлар иқтисодининг ривожланганлиги;
- ижодкорлик фаолиятининг натижалари.

Ушбу рейтинг 100 балли тизим асосида баҳоланади.


2019 йил кўрсаткичларига кўра Швейцария ушбу рейтингда 67,2 балл билан 1 ўринни эгаллаган (1-жадвал).

Биринчи жадвалдаги рейтингни давом эттирадиган бўлсак, 14 ва 15 ўринларда Хитой ҳамда

1-жадвал. Глобал инновацион индекс-2019 йил күрсаткичларидағи биринчи ўнталиқ мамлакатлар [5]

| Рейтинг | Мамлакатлар | Индекс | Рақамлашганлик даражаси бўйича ўрин | "Doing business-2019" кўрсаткичлари |
|---------|---------------|--------|-------------------------------------|-------------------------------------|
| 1 | Швейцария | 67,2 | 8 | 36 |
| 2 | Швеция | 63,7 | 11 | 10 |
| 3 | АҚШ | 61,7 | 1 | 6 |
| 4 | Голландия | 61,4 | 3 | 42 |
| 5 | Буюк Британия | 61,3 | 2 | 8 |
| 6 | Финляндия | 59,8 | 10 | 20 |
| 7 | Дания | 58,4 | 7 | 4 |
| 8 | Сингапур | 58,4 | 13 | 2 |
| 9 | Германия | 58,2 | 14 | 22 |
| 10 | Израил | 57,4 | 23 | 35 |

1-расм. Глобал инновацион индекс, мамлакатнинг рақамлашиш даражаси ва "Doing business" халқаро рейтингида мамлакатларнинг позицияси ўртасидаги боғлиқлик [5, 6, 7]¹.



Япониянинг позициясини кўрамиз. Шунингдек, биринчи йигирматалик рўйхатидан Жанубий Корея, Франция, Канада, Гонконг, Норвегия, Люксембург сингари мамлакатлар ҳам ўрин олган.

Биринчи жадвалдаги рўйхат бўйича мамлакатлар иқтисодиётини кенгроқ ўрганадиган бўлсак, ушбу мамлакатларда иқтисодиётнинг рақамлашганлик даражаси ҳам юқори эканлигини кўрамиз.

Harvard Business Review Россия тадқиқотчилари томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, дунёning рақамлашиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар рўйхати тузилган. Ушбу рейтингни тузишда онлайн платформалар, рақамли ва аналоги инфратузилма, маълумотларнинг очиқлиги,

электрон тижорат платформалари, рақамли медиа платформалари, "Doing business" рейтинги кўрсаткичлари 0-5 балл ҳисобида баҳоланган [7].

Биринчи расм маълумотларини солиштирма таҳлил қиласидан бўлсан, ҳар учта рейтинг бўйича юқори кўрсаткичлар АҚШ, Буюк Британия, Дания, Швеция, Сингапур, Финляндия улусига тўғри келади. Яъни, мамлакатда бизнес юритиш шартшароитлари иқтисодиётнинг рақамлашишига, иқтисодиётнинг рақамлашиши эса инновациян фаолиятга таъсир кўрсатади. Демак, ушбу учта жараён бир-бири билан занжир тарзида боғланган. Швейцария, Голландия, Израил, Германия сингари мамлакатларда бизнес фаолияти давлат томонидан қўллаб-куватлансада, янги компанияни рўйхатдан ўтказиш, халқаро савдо, инвестор ҳуқуqlари ҳимояси каби кўрсаткичларнинг

¹ Расм муаллифнинг ишланмаси.

пастлиги "Doing business" рейтингига таъсир қилганини кўрамиз, аммо мамлакат рейтингини тузишда онлайн платформалар, рақамли ва аналогли инфратузилма, маълумотларнинг очиқлиги, электрон тижорат платформалари, рақамли медиа платформаларининг сони инобатга олинганлиги, рақамлашиш рейтингида юқори позицияларни эгаллашига сабаб бўлган.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар учаласида юқори ўринларни кўрсатган АҚШда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига эътибор қаратамиз.

Юқорида кўрганимиздек, инновацион сиёsat иқтисодиётнинг рақамлашишига ҳам таъсир кўрсатади. АҚШнинг инновацион сиёsatи қуидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- федерал лабораторияларнинг ривожланниши. Ушбу лабораториялар вазирликлар томонидан молиялаштирилиб, тадқиқот марказлари вазифасини бажаради;

- тадқиқотлар академик таълимни ривожлантириш орқали инновацион фаолият ривожланади. Ушбу йўналиш давлат томонидан амалга оширилиб, талабалар фундаментал тадқиқотларга жалб қилинади;

- АҚШда ишлаб чиқарилган технологиялар бошқа мамлакатларга трансфер қилинади; ушбу йўналиш АҚШда ишлаб чиқарилган технологияларнинг кенг ёйилиши учун имконият яратади;

- ҳудудларнинг маълум тадқиқот ёки ишлаб чиқариш тармоғига ихтисослашуви;

- инновацион кластерларнинг ривожланиши; ушбу йўналиш ишлаб чиқариш ва тадқиқотнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш билан бирга инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади;

- инсон капитали; замонавий АҚШ ривожланшининг асосий тамойилларидан бири - инсон капиталини ривожлантириш; ушбу йўналиш маҳсус таълим муассасалари ёки алоҳида касб эгаларининг қўллаб-қувватланиши орқали амалга оширилади;

- миграцион сиёsat; ушбу йўналиш илмий-тадқиқот олиб бориш лаёқатига эга ёки юқори малакали кадрларнинг мамлакатга келиши, яшаши ва уй-жой билан таъминланишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ўз ичига олади.

АҚШда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига асосий сабабчиларидан яна бири - мамлакатдаги технопарклар ва инновацион фао-

лиятни амалга оширувчи йирик компаниялар ҳисобланади.

Жумладан, АҚШдаги йирик технопарклардан бири Силикон водийисида тўлов тизимларидан тортиб тил таржимонларигача оид бўлган рақамли инновациялар яратилади. Жаҳоннинг энг машҳур Google, IBM, Facebook, Microsoft сингари рақамли инновациялар соҳасида фаолият олиб борувчи компаниялари АҚШда фаолият олиб боради. Энг қизиқарли жиҳати шундаки, АҚШда инновациялар ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг аксарият қисми йирик бизнес томонидан амалга оширилади.

Zenith Optimedia [8] томонидан энг йирик 30 медиакомпаниялар рўйхати тузилди. Унга мувофиқ Google, Walt Disney Company, DirecTV, 21st Century Fox, Comcast сингари кучли бешликдан жой олган компанияларнинг барчаси АҚШда жойлашган.

Форбс тадқиқотларида ҳам Google, Intel, Walt Disney сингари компаниялар ҳам кучли ўнлик рўйхатидан жой олган [9].

Глобал инновацион индекс маълумотларига кўра ИТга АҚШда давлат ва бизнес томонидан сарфланган харажатлар 511 миллиард долларни ташкил этган. Alphabet, Microsoft сингари компанияларнинг бу кўрсатгичги улуши 32 миллиард доллар ташкил этган [10].

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқот натижасида муаллиф томонидан қуидаги хулосалар олинган:

- мамлакатда бизнеснинг ривожланиши инновацияларнинг ишлаб чиқарилишини тезлаштиурса, инновацияларнинг ривожланиши мамлакатда рақамлашишнинг кучайишига сабаб бўлади;

- инновацион жараёнлар фақатгина давлат ёки давлат муассасалари томонидан молиялаштирилади, деган фикрлар замонавий иқтисодиётда ўз аҳамиятини йўқотган бўлиб, бизнес ҳам инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга;

- инсон капитали инновацион иқтисодиётни ривожлантиришдаги энг муҳим омил.

Хулосалардан келиб чиқсан ҳолда, қуидагилар таклиф этилади:

1. Ўзбекистон инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда йирик бизнес субъектларидан восита сифатида фойдаланиш зарур. Йирик бизнес субъектлари инновацияларни молиялаштириш имкониятига эга тузилмалар ҳисобланади.

2. Ўзбекистондаги университет ва уларнинг талабалариға фундаментал лойиҳаларда иштирок этиш имконини бериш ва тадқиқотларни тижоратлаштиришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш зарур.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Doing business" ҳалқаро рейтингидаги позициясининг яхшиланиб бораётгани мамлакатнинг Глобал инновацион индексга кириш имконини оширади. Аммо мамлакатда рақамли платформалар

ва уларнинг инфратузилмаси қониқарли даражада эмаслиги ушбу жараённи секинлаштиради.

Кейинги тадқиқотлар учун тавсиялар.

Муаллиф томонидан ушбу мавзудаги тадқиқотни олиб боришда статистик тадқиқот усулларидан ҳам фойдаланиш назарда тутилган эди. Ушбу мавзудаги кейинги тадқиқотларни олиб боришда иқтисодиётда инновацияларнинг улуши ҳам ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи "2017-1021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" ПФ-5953-сон Фармони. - <https://lex.uz/docs/4751561>

2. Yunfu Xu, Aiya Li, (2020). The relationship between innovative human capital and interprovincial economic growth based on panel data model and spatial econometrics, Journal of Computational and Applied Mathematics, Volume 365, 2020, 112381, ISSN 0377-0427, <https://doi.org/10.1016/j.cam.2019.1123>(<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S037704271930384X>)

3. Merve Doğruel Anuşlu, Seniye Ümit Fırat (2019). Clustering analysis application on Industry 4.0-driven global indexes, Procedia Computer Science, Volume 158, 2019, Pages 145-152, 1877-0509, <https://doi.org/10.1016/j.procs.2019.09.0>(<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050919311950>)

4. Satish Nambisan, Mike Wright, Maryann Feldman. (2019). The digital transformation of innovation and entrepreneurship: Progress, challenges and key themes, Research Policy, Volume 48, Issue 8, 2019, 103773, ISSN 0048-7333, <https://doi.org/10.1016/j.respol.2019.03.0>(<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0048733319300812>)

5. INSEAD, WIPO, Cornell University: The Global Innovation Index 2019.

6. <https://russian.doingbusiness.org/ru/rankings>

7. <https://hbr-russia.ru/innovatsii/issledovaniya/818884>

8. ZenithOptimedia: Топ-30 крупнейших медиакомпаний мира <https://adindex.ru/news/media/2014/05/7/109946.phtml>

9. Forbes опубликовала рейтинг 100 крупнейших цифровых компаний. <https://novostivl.ru/post/76735/>

10. GLOBAL INNOVATION INDEX 20<https://www.globalinnovationindex.org/analysis-economy>